**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА**
**ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ**

**“САНЪАТ ВА МУХАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ” КАФЕДРАСИ**

# “УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУСИҚА ТАЪЛИМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ”

**мавзусидаги**

**Б И Т И Р У В   М А Л А К А В И Й   И Ш И**


**Бажарди:** “Мусиқа таълими” таълим йўналиши битирувчи 4 курс талабаси Бердиёрова М.

**Илмий раҳбар:**
“Педагогика ва психология” кафедрасининг доценти, п.ф.н. Эргашев Р.


Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди
10 - сонли баённомаси “30” май 2012 йил

**Гулистон – 2012**

**М У Н Д А Р И Ж А**

**К И Р И Ш…………………………………………………………..............…3**

**I боб. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ НАЗАРИЙ - ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ……………...........................................................**

1.1. Умумтаълим мактаби “Мусиқа маданияти” дарсларининг мақсад ва вазифалари…………………………………………………...........

1.2. Мактаб “Мусиқа маданияти” дарсларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари………………………………….........................

**II-боб. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУСУҚА ТАЪЛИМИ ВА ТАРБИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ……...........................................................................**

2.1. Умумтаълим мактаби “Мусиқа маданияти” дарсларида қўлланадиган ўзига хос усуллар……………………………........................

2.2. “Мусиқа маданияти” тажриба-синов дарсларидан намуналар.......

**У М У М И Й Х У Л О С А В А У С Л У Б И Й Т А В С И Я Л А Р...**

**Ф О Й Д А Л А Н И Л Г А Н А Д А Б И Ё Т Л А Р..............................**

# К И Р И Ш

**Муаммонинг долзарблиги.** Республикамизда узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим жараёнига технологик ёндашув, унга интерфаол ўқитиш усулларини олиб кириш орқали ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ўстириш, барча фанлардан ўқув дастурларида кўзда тутилган уларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришнинг оптимал йўлларини излаб топиш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Ўқувчи ёшларни юксак маънавиятли, маданиятли, комил шахс этиб вояга етказишда мактаб ўқув предметларининг барча имкониятларидан, улардаги миллий ва умумбашарий қадриятлардан, санъат дарслари, жумладан, мусиқа маданияти дарсларидан унумли фойдаланиш муҳим ўрин тутади.

Президент И.А.Каримов ўзининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида мусиқа санъатига, ундан дарс берувчи устоз-мураббийга алоҳида ишонч билдиради: “Энг муҳими, бугунги кунда мусиқа санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”.[1]

Умумий ўрта таълим мактаби мусиқа маданияти таълим-тарбия мазмунидан кўзланагн асосий мақсад - ўқувчиларда маънавий маданиятнинг муҳим таркибий қисми бўлган мусиқа маданиятини шакллантиришдан иборат бўлиб, у ўз ичиги нафақат мусиқа соводхонлигини шакллантиришни, балки ўқувчиларда маънавий-ахлоқий, эстетик-ғоявий, бой эстетик дунёқараш ва бошқа инсоний фазилатларни тарбиялашни ҳам олади.

Ўқув дастури мазмунидан жой олган миллий ва умуминсоний мусиқий қадриятлар ўқувчиларни нафақат бой мусиқа меросимиздан баҳраманд этиш, балки улар воситасида маънавий-ахлоқий дунёқарашларини бойитиш, бадиий-эстетик дидларини шакллантириш, ўз

ватанига, юртига, халқига, миллий ғоя ва миллий мафкурага нисбатан онгли муносабатда бўлишларини таркиб топтиришдан иборат.

Бугунги кунда ҳаётимизга кириб келаётган ахлоқий жиҳатдан номаъқул, миллий қадрият ва қарашларимизга ёд бўлган мусиқа асарлари хавфидан ёшларимизни сақлашимиз учун мактаб мусиқа таълими ва тарбияси жараёнини талаб даражасида ташкил этишмиз зарур. Президентимиз таъбири билан айтганда: “...агар инсоннинг қулоғи енгил-елпи, тумтоқ оҳангларга ўрганиб қолса, бора-бора унинг бадиий диди, мусиқа маданияти пасайиб кетиши, унинг маънавий оламини сохта тушунчалар эгаллаб олиши ҳам ҳеч гап эмас”.[2]

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари Абу Наср ал Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Кайковус, Аҳмад Югнакий, Шайх Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқалар томонидан мусиқа санъатининт инсон руҳиятига, унинг маънавий-ахлоқий дунёсига, физиологик ва жисмоний ривожланишига қандай таъсир этиши ҳақида билдирган фикрлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ.

Умумий ўрта таълим мактаблари учун ДТС ва ўқув дастувлари, дарсликлар мазмунида ўзбек ва жаҳон куй, қўшиқларига, уларнинг ҳар хил тур ва жанрларига кенг жой ажратилган бўлиб, улардан унумли фойдаланиш орқали ўқувчиларда миллий важаҳон мусиқа маданиятига нисбатан қизиқишларини ошириш, кўзланган таълимий-тарбиявий-ривожлантирувчи мақсадларга эришиш ўқитувчи маҳоратига, ўқув-тарбиявий жараённи тўғри ташкил эта олишига, замонавий восита ва усулларни қандай қўллай олишига боғлиқ.

Мактаб мусиқа дарслари ўз хусусиятига кўра бошқа ўқув предмети дарсларидан фарқ қилади. Аввало, у аралаш дарс турига тегишлидир. Чунки, унда ўқувчилар фақат қўшиқ куйлаш билан чекланиб қолмайдилар, балки турли жанрдаги мусиқа асарларни тинглайдилар, уларга мос ҳаракатлар қиладилар, мусиқа саводхонлигига эга бўладилар, мусиқий ижодкорлик билан шуғулланадилар.

Таълимий нуқтаи назардан ўқувчилар ўқув дастури мазмунида белгилаб берилган мусиқа санъатига доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллайдилар, уларнинг мусиқий соводхонликлари шакллантирилади.

Тарбиявий нуқтаи назардан эса мусиқа асарлари орқали ўқувчиларда миллий ғурур, маънавий-ахлоқий хусусиятлар, эстетик ва бошқа шахсий фазилатлар шакллантирилади. Куй ва қўшиқлар билан ошно бўлиш ўқувчиларда мусиқий қобилиятлар, мусиқани идрок этиш кўникма ва бадиий тафаккур этиш қобилиятлари, физиологик ва жисмоний сифатларини ривожлантиради.

---

[1] И. Каримов. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 141 б.

[2] И. Каримов. Юсак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008, 143 б.

Кейинги йилларда мусиқа таълими ва тарбияси педагогик муаммо сифатида кўпчилик томонидан тадқиқ этилмоқда (Нурматов Ҳ., Омонуллаев Д., Мамиров Қ., Қодиров Р., Мансуров А., Каримова Д., Иброҳимов О., Файзиева О., Шарипова Г. ва бошқалар).

Умумтаълим мактабларида мусиқа дарсларининг мазмуни, унга қўйиладиган умумий талаблар, унинг тузилиши, ўзига хос хусусиятлари, уни ташкил этиш шакллари, восита ва усуллари юқорида қайд этилган олимлар томонидан ишлаб чиқилган бўлсада, лекин мусиқа таълими ва тарбияси жараёнига бугунги кун нуқтаи назаридан ёндашиб, уни самарали ташкил этиш йўлларини аниқлаш алоҳида муаммо сифатида ўрганилганича йўқ. Амалиётда ҳам ушбу муаммо, мусиқа тарбиясининг бошқа кўплаб муаммолари қатори ўзининг тўлақонли ечимини топмаган.

Муаммонинг назарий ва амалий ҳолатидан келиб чиқиб битирув малакавий ишимизнинг мавзусини танладик. Битирув малакавий ишимизнинг **мавзуси** “Умумтаълим мактабларида мусиқа таълимининг

ўзига хос хусусиятлари” этиб шакллантирилди. Ундан кўзланган асосий **мақсад -** умумтаълим мактаби мусиқа маданияти дарсларини ташкил этишнинг ўзига хос йўлларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот **обьекти** – умумтаълим мактаби мусиқа маданияти машғулотлари жараёни, **предмети** – умумтаълим мактаби мусиқа маданияти таълим жараёнини ташкил этиш қоидалари, мазмун, шакл ва усуллари этиб олдик.

Муаммонинг мақсади, обьекти ва предметидан келиб чиқиб қуйидаги тадқиқот **вазифалари** белгилаб олинди:

1. Умумтаълим мактаби мусиқа таълими ва тарбиясининг мақсади, вазифалари мазмунини белгилаб олиш.

2. Мактаб мусиқа маданияти дарсларини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш.

3. Мактаб мусиқа маданияти дарсларида қўлланадиган ўзига хос усулларни тажриба-синовдан ўтказиш.

4. Тўпланган назарий-услубий ва амалий тажрибалар асосида услубий тавсиялар бериш.

Битирув малакавий ишимизнинг **янгилиги** шундан иборатки, унда умумтаълим мактаби мусиқий таълим ва тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил этилган, мусиқа маданияти дарсларини ташкил этишнинг мазмун-моҳияти очиб берилган, унинг тузилишини ташкил этувчи таркибий қисмларга изоҳ берилган, мусиқий таълим жараёнига технологик ёндашув, уни самарадорлигини оширишда интерфаол ўқитиш усуллари ҳар томонлама ёритилган.

Тадқиқот материалларимизнинг **амалий аҳамияти** шундаки, ундаги услубий кўрсатмалардан умумтаълим мактаби мусиқа ўқитувчиси, жумладан, шу предметнинг бўлажак ўқитувчиси мусиқа маданияти дарсларини самарали ташкил этишда фойдаланиши мумкин.

Битирув малакавий иши ўз тузилишига кўра, икки боб, унинг тўрт фасли, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## I боб. УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУСИҚИЙ ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ НАЗАРИЙ- ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

### 1.1. Умумтаълим мактаби мусиқа маданияти дарсларининг мақсад ва вазифалари

Мусиқа умумий таълим мактабларида ўқувчиларга гймнацик тарбия сифатида, хусусан эцетик тарбия беришнинг ажралмас қисми сифатида ўқитилади. Мусиқа бевосита, ҳис-туйгъуларга қаралганлиги туфайли болаларни асарда ифодаланган кечинмалар ва фикрлар доирасига фаол равишда жалб қилади. Мана шунинг учун ҳам мусиқа бир вақтда минглаб кишилар билан ҳис-туйгъулар тилида инсоннинг қалб тилида сўзлашиш имкониятига эга.

Мусиқа ўз табиатига кўра, кишилар ҳаёти уларнинг ўз-ўзларига турли воқеликка бўладиган муносабатини ва бошқа ички кечинмаларини хилма-хил товушлар бўёқлари орқали, бадиий образлар орқали тасвирлайди. Мусиқа инсон ҳиссиётига кучли таъсир эта олиш хусусияти билан тарбиялашнинг муҳим воситасидир.

Умумий таълим мактабларида, жумладан, бошлангъич синфларда мусиқа қуйидаги вазифаларни амалга оширишни мақсад қилиб олади.

1. Ўқувчиларда мусиқага ихлос уйгъотиш, уларнинг мусиқавий қобиляти ритм туйгъусини, мусиқавий уқувини диққати, тасаввурини ва хотирасини бадиий дидини ўцириш.

2. Ўқувчиларнинг манавий қиёфасини такомиллаштириш, товушлардаги, табиатдаги, кишилар муомаласидаги гўзалликни кўра олш, ҳис этиш ва ўзлаштириб олишга ўргатиш, она-Ватанга муҳаббат,

фуқаролик масъулиятини ҳис қилиш жамиятга фойда келтириш, иштиёқ, фарзандлик, ўқувчилик ва жамоатчилик олдидаги бурчни аниқлаш, дўцлик ва ўртоқлик ва байналминаллик туйгъуларини ҳис этиш, ҳаётда фаол ўринда туриш каби олий ҳисларни, ахлоқий тушунчаларни синдириш. Дидсизлик, хунуклик, гъоясизлик, тубанлик ва бошқа салбий ҳислатларга нисбатан ҳаётга муросасиз бўлишни тарбиялаш.

3. Ўқувчиларни бадиий ижодкорлик қобилятини ўцириш. Гўзалликни, ҳаётга, ўқиш меҳнат ва ҳатти – ҳаракатларга олиб кириш, ўз - ўзига атрофдаги барча нарсаларга гўзаллик кирита олиш.

Бошлангъич синфларда махсус олий ва ўрта мусиқа маълумотига эга мутахассислар билан бир қаторда, бошлангъич синф ўқувчилари ҳам мусиқа дарсларини мутахассислар олиб боришлиги кўтарилган бўлсада, мусиқа ўқитувчилари етарли эмаслиги сабабли буни амалга ошириш имконияти бўлмаяпти. Сҳунинг учун инцитутларнинг бошлангъич таълим методикаси бўлимларида мусиқа таълимини жиддий ёълга қўйиш, мусиқа мутахассислари етарли бўлмаган мактабларнинг иш бошлаётган синф ўқувчиларини малака ошириш курсларида қайта тайёрлаш зарур. Сҳунингдек мусиқадан махсус билими бўлмаган бошлангъич синф ўқитувчилари, мусиқа мутахассислари билан ҳамкорликда бемаслаҳат иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Маълумки мусиқа дарслари қуйидаги асосий қисмларни ўз ичига олади:

Ашула ва хор ижро этиш.

Мусиқа саводига ўргатиш.

Мусиқа тинглаш.

Бу учала қисм ўзаро чамбарчас богъланган бўлиб, уларнинг муштараклиги дарснинг тўлақонли сифатини белгилайди. Дарснинг бу қисмларини ҳар бир қўлланманинг кейинги бобида алоҳида методик таҳлил қилиниши лозимлиги учун бу ерда уларга қисқача тўхталиб ўтсак.

1. Ашула – хор ижрочилиги мусиқа дарсининг асоси сифатида бевосита ўқувчиларнинг фаол иштироки билан амалга ошириш билан ҳам

ўзига хосдир. Куйлаш жараёни мураккаб психологик – физиологик ҳолатларда кечади. Бунда ўқувчилар олий нерв фаолияти тезлашади. Миянинг оци ижобий завқ-шавқ марказлари ишга тушади. Болаларда юксак бир бадиий кўтаринкилик кайфияти пайдо бўлади. Сҳунингдек овоз ҳосил қилиш аъзолари: бўгъиз товуш пайчалари, нафас, жагълар лабларнинг умумий куйлаш кўникмалари мукаммаллашиб боради. +ўшиқлардан тарбиявий фойдаланиш ҳар бир синф ўқувчиларнинг ёши ва мусиқавий қобиляти ва овоз имкониятини ҳисобга олган ҳолда мавзуси ва тавсифи жиҳатидан турлича бўлган асарларни танлаш тавсия қилинади. Ўрганиш учун мўлжалланган қўшиқлар репертуаридан она – Ватанга, унинг табиати, инсонпарварлиги, халқимизнинг меҳнати ва ҳаёти билан богъланган турли байрамлар, фаслли қўшиқлар, хилма-хил жанрларда, ахлоқ-одоб мавзусига кенг ўрин берилиши керак.

Танланган қўшиқлар хилма – хилдир. Мусиқанинг асосий ифода воситаларидан бири – мелодиядир. “Мелодия” – грекча сўз бўлиб, қўшиқни куйлаш демакдир. “Мелодия” ўзбекча “мақом” сўзимизга тўгъри келади ва бундан кейин уни мақом деб юритамиз. Мақом шодлик ва мангуликни ифода этиш имкониятлари бениҳоя катта. Улугъ рус композитори В. Раҳманинов “мақом – мусиқанинг бош асоси, мақомнинг ўзи мусиқадир”, - деб айтган эди. Мақом овозлар воситасида образли фикр юритишдир.

Мақомнинг ўзи ритмсиз ундан ташқари бўлиши мумкин эмас, ритм овозларнинг вақт, замонда ташкил топишидир. Мусиқа ритмлари алоҳида ташкил топувчанлиги ва ифодалиги билан фарқ қилиб туради. Мусиқа тилнинг барча бойликларидан фойдаланади.

XX асрнинг буюк композитори Д.Сҳецокович мусиқа тарбиясининг жуда катта аҳамияти ҳақида гапириб, йигит ва қизларга мурожат қилиб бундай деган эди, - “Буюк мусиқа санъатини севинг – ўрганинг”, бу санъат сизга бутун бир юксак туйгъулар, завқ – ҳаваслар, гъоялар оламини очиб беради.  У сизни маънавий жиҳатдан бойроқ, софроқ ва баркамолроқ қилади, мусиқа туфайли сиз ўзингизга янги, илгари сизга сезилмаган

кучлар топасиз. Сиз ҳаётни янги ранг ва бўёқларда кўрасиз. Мусиқа сизни жамиятимизнинг муддаоси бўлган энг баркамол инсон идеалига яқинлаштирилади.

Мусиқа маданияти ўқув предмети умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган барча ўқув предметлари жумладан: адабиёт, тасвирий санъат, жисмоний тарбия, меҳнат ва бошқа фанлар билан богъланади.

Мусиқа таълимда давлат таълим цандартлари асосида янги таълим мазмуни ўқувчиларнинг мусиқий билим ва малакалари билан бирга уларда кузатувчанлик, хотирани муцаҳкамлаш, образли тасаввур қилиш, уларда ижодкорлик, муцақиллик, бадиий ва мусиқий дид каби ҳислатларни ривожлантиришни таъминлайди.

Мусиқа маданий ҳаётимизда кенг ўрин тутган ва инсон шахсиятининг шаклланишида муҳим рол ўйнайдиган санъат туридир. Эрамиздан аввалги ИВ – асрданоқ грек файласуфи шундай деган эди, “Енг катта тарбиявий омил мусиқий санъатда эмасмикан, зероки ритм ва гормония ҳаммадан кўпроқ шу вақтда қалбга чуқур ёъл топади ва салобат бахш этади, уни кўркам қилади агар тарбия тўгъри ёълга қўйилган бўлса, акс ҳолда унинг тескариси бўлиб чиқади”. Унинг шогирди Арицотел (Афлотун) комил ишонч билан мазкур фикрни қувватлайди: “Мусиқа киши руҳининг ахлоқий томонига маълум даражада таъсир этади, бас шундай экан, у ёшларнинг тарбиялайдиган предметлардан бири бўлиб хизмат қилмогъи лозим”.

Миллий маданиятимизнинг бобоколони Абу Наср ал – Фаробий эса мусиқанинг шахс шаклланишига аниқ таъсирини қуйидагича баён этади. “Бу фан (яъни мусиқа) шу маънода фойдалики, кимнинг феъл атвори мувозанатини ёъқотган бўлса, тартибга келтиради, камол топмаганларни камолотга етказади ва мувозанатда бўлганларнинг мувозанатини сақлайди… Бу фан таннинг согълиги учун фойдалидир”.

Сҳу боис ўқувчиларда инсон маънавий маданиятининг таркибий қисми бўлган мусиқа маданиятини тарбиялаш мусиқа тарбиясининг бош мақсади бўлиб туради.

Ўзбек мусиқа маданияти қадимий ва бой меросга эга. Унинг мазмуни халқимизнинг миллий руҳияти, инсоний фазилатлари, бадиий маънавияти, ициқлол ва муцақиллик учун кураши ҳамда орзу – умидлари иникос этилади. Бу буюк манавиятимиз ёш авлоднинг маданияти ва миллий тафаккурини шакллантиришда беназир воситадир.

Мактабда мусиқа таълим – тарбиясининг мақсади – ёш авлодни миллий мусиқа меросимизга ворислик қила оладиган ҳамда умумбашарий мусиқа бойлигини идрок эта оладиган маданиятли инсон даражасида вояга етказишдан иборатдир. Бунда ўқувчилар мусиқа санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари, оммавий мусиқа фаолиятлари, мусиқани бадиий идрок этиш, якка ва жамоавий тартибда қўшиқ куйлаш, рақс тушиш ва ижодкорлик малакаларини шакллантириш ва ривожлантириш мазкур мақсаднинг асосий омили ҳисобланади. Бунинг учун ҳар бир ўқувчининг мусиқавий иқтидорини ривожлантириш, мусиқа санъатига меҳр ва иштиёқни ошириш, мусиқадан зарур билим ва амалий кўникмалар доирасини таркиб топтириш; иқтидорли ўқувчиларнинг мусиқий ривожланишлари учун зарурий шарт – шароитлар яратиб бериш билан уларнинг бадиий эҳтиёжларини қондириш мактаб мусиқа таълим – тарбиясининг асосий вазифаси бўлиши лозим. Мазкур олий мақсад ва вазифани амалга оширишда мусиқа фанига ижтимоий ривожлантирувчи омил сифатида қараш, таълим мазмунини ва ўқитиш услубиятини такомиллаштиришда мусиқа таълимининг миллий анъанавий ва ҳозирги замон ютуқларига ҳамда илгъор тажрибаларга ижодий ёндашиш – таяниш мақсадга мувофиқдир.

Мусиқа сабоқи бадиий – ахлоқий таррбияловчи шахснинг бадиий тафаккурини шакллантирувчи таълим сифатида муҳимдир. Унинг воситасида нафосат хусусиятларини тарбиялаш билан бирга ёш авлодда комил инсон фазилатларини таркиб топтириш назарда тутилади.

Муцақил Республикамизда амалга оширилаётган ўзгаришлар жамиятимизни иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий ва маданий жиҳатдан жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин

олишда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ўзбекицоннинг “Таълим тўгърисида”ги қонунига кўра 9 йиллик умумий ўрта таълим жорий этилди. Таълимни минтақавий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусиқа предмети бўйича консепсия ишлаб чиқилди.

1992 йил 25 ноябрда “Марифат” рўзномасида “Мусиқа таълими – тарбиясининг консепсияси” лойиҳасида, мусиқа таълимининг миллий ва илмий асарлари мазмуни тузилиши, табақаланиши, мусиқа ўқитувчисига бўлган замонавий талаблар ва таълимнинг илмий – услубий таъминоти баён этилади.

Бугунги ўзлигимизни англаш, ўз тақдиримиз ва фарзандларимиз ицикболини яратиш имкониятига эга бўлган муцақил Ўзбекицонда миллий маданиятимизни ўзига хослигини тиклаш умумтаълим мактабларида ёшларни бадиий тарбиялаш ва камол топтириш, ҳамда ҳозирги кунимизни тўлароқ идрок этиш учун энг аввало тарихини яхши билмоқлик ҳисобланади. Чунки ҳар бир янгилик тарихий бўгъланиш орқали амалга оширилади. Барча фанлар қатори қатори мусиқий таълимда ҳам давлат таълим цандартларини жорий этилиши миллий мусиқий мерослардан тўлақонли фойдаланиш имконини беради. Булар оммавий халқ куй ва қўшиқларида, хонанда ва созандаларнинг ижодий фаолиятлари, мақом, шошмақом, доцонлар ва бугунги замонавий мусиқий фаолиятида ўз аксини топади. Мусиқа санъатининг бу каби имкониятлари янги авлодни тарбиялашда уларнинг барламол бўлиб етишишларида ўзига хос такрорланмас манба бўлиб хизмат қилади.

Мусиқа таълимидан давлат цандартлари асосида янги таълим мазмуни ўқувчиларнинг мусиқий билим ва малакалари билан бирга уларда кузатувчанлик, хотирани муцаҳкамлаш, образли тасаввур қилиш, ижодкорлик, муцақиллик, ташаббускорлик, бадиий ва мусиқий дид каби ҳислатларни ривожлантиришни таъминлайди. Демак ёш авлодни етук қилиб тарбиялашда “Мусиқа маданияти” дарсларини аҳамияти катта. Мусиқий маданият дарслари ўқувчиларни ахлоқий – эцетик тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Улардаги гўзаликка бўлган ҳис туйгъуларини

ўциради, мусиқа санъатига меҳр – муҳаббат, қизиқиш уйгъотади, она – Ватнни севишга, бир – бирини, катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатни, табиатни севишга, қадрлашга ўргатади ва ҳаётда ўз ўрнини топа олишга мадад беради. Бунда ўқувчилар мусиқа санъатини бутун нафосати билан ўрганишлари, мусиқани идрок этиш, якка ва жамоа бўлиб қўшиқ куйлаш ва рақсга тушиш, ижодкорлик малакаларини шакллантириш, мусиқа тарбиясининг асосий мақсади ҳисобланади.

Сҳунингдек ўқувчилар иқтидорини шакллантириш учун имкониятлар яратиб бериш ва уларнинг бадиий эҳтиёжи қондириш мусиқа таълим – тарбиясининг вазифасини ташкил этади. Ҳозирги мусиқий таълим – тарбияси шуни кўрсатадики, миллий мусиқа меросимизни ўрганишда, мусиқа дарсларини ва синфдан ташқари мусиқа тарбия тизимини аҳамияти катта. Мусиқа дарсларини ҳаётга жорий этиш мақсадида умумий ўрта – таълим мактаблари учун мусиқадан 1999 йил давлат таълим цандарти асосида янги дацур ишлаб чиқилди. Янги дацурнинг асосий моҳияти аввало дарснинг мавзулари, ҳар бир чорак учун белгиланган бош мавзулардан келиб чиқади. Дарсни қизиқарли бўлиши учун мусиқа ижодкорлиги қўлланилди, барча мусиқа фаолиятлари (хор бўлиб куйлаш, мусиқа саводи, мусиқа тиглаш) дарс мавзусининг ажралмас қисми ва мантиқан богъланиб ўтади.

Маданий – маърифий қадриятларимиз сирасида бебахо сарчашмалардан ҳисобланмиш халқ мусиқаси ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эга.

Таълим – тарбия тизими тараққиётимизнинг етакчи соҳаларидан бири сифатидан қаралаётган ҳозирги кунда халқ мусиқасининг талабалар маънавий оламидаги таъсирини ҳисобга олган ҳолда қуйидагиларга эътибор бермоқ лозим.

Халқ мусиқасининг (манавий оламидаги таъсирини ҳисобга олган) энг яхши наъмуналари билан ўқувчиларни яқиндан таништириш; халқ мусиқий меросини ўрганиш ҳамда таргъиб қилишда маънавий қадриятларимизни тиклш ва уни янада бойитиш; халқ мусиқасига

қизиқишни кучайтириш ёъли билан ўқувчиларда одоб – ахлоқни шакллантириш; ўқувчиларни маънавий баркамол, маданиятли инсонлар қилиб тарбиялаш.

Ўқувчиларни халқ мусиқаси воситасида бадиий – эцетик тарбиялаш аввало улар қалбига миллий, маънавий қадриятларни сингдириш асосида вужудга келади. Сҳу маънода халқ мусиқаси ва мумтоз қўшиқлар бўйича махсус тўгараклар, ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Халқ мусиқаси мусиқа маданияти дарсида ўзининг ўрнига эга бу мусиқий фаолият турлари билан богълиқ.

Мусиқий фаолият турлари 5 та бўлиб улар қуйидагилар:

Хор бўлиб куйлаш.

Мусиқа саводи.

Мусиқа тинглаш.

Мусиқага мос ҳаракатлар бажариш.

Болалар чолгъу асбобларида ритмик жўр бўлиш билан амалга оширилади.

Мазкур фаолиятлар негизида 1-синф ўқувчиларини мусиқага фаол қизиқтириш мусиқа таасуротларини таркиб топтириш ва зарурий мусиқий тажрибаларни ҳосил этиш асосий вазифа қилиб қўйилади. Натижада болаларда мусиқий дидни шакллантириб мусиқани санъат сифатида ахлоқий эцетик жиҳатдан онгли идрок этишга тайёрлаш кўзда тутилади. Мусиқа маданияти дарсида қўлланиладиган ҳар бир мусиқий фаолият тури дарснинг ажралмас мантиқий бўлаги бўлиб, аниқ мақсадга қаратилмогъи лозим.

**Хор бўлиб куйлаш.** Болаларни мусиқий ўқувини ижодий ривожлантиришда айниқса вокал – хор ишларининг аҳамияти катта. Бунда ўқувчиларни куйлашга қизиқтира олиш, кўп жиҳатдан ўрганадиган ҳар бир машқ ёки қўшиқни ўқитувчи томонидан чиройли куйлаб беришга богълиқ. Чунки ёш болалар билан олиб бориладиган вокал – хор иши кўпинча ўқитувчи овозига тақлид қилиб куйлашга асосланади. Сҳунинг учун ўқитувчи ёқимли овози уцида мунтазам иш олиб боориши керак. Вокал –

хор ишларини амалга оширишда ўқитувчи овози созлаш, қўшиқ ўргатиш жараёнида ўқувчиларнинг прима товушларини куйлаш учун қулай (сол – ля), ишчи диапазони (ми – си), овоз диапазонини (ре – си) аниқ бўлиши лозим.

Мусиқа маданияти дарсларида қўшиқ ўргатиш бир неча босқич жараёнида амалга оширилади:

Болалар диққатини қўшиққа жалб қилиш;

+ўшиқ ҳақида ўқитувчининг кириш сўзи (қўшиқ муаллифлари, айрим тарихий хусусиятлари ҳаётий аҳамияти, характери, қўшиқ ижроси);

+ўшиқни таҳлил қилиниши (мусиқа ифода воситалари характери мазмунини суҳбат ёъли билан белгилаш).

+ўшиқни мусиқий жумлаларга бўлиб ўргатиш (тўгъри нафас олиш) жумлани охиригача тежаб етказиш ижрочилик сифатлари уцида ишлаш.

+ўшиқни бадиий ижросига эришиш (қўшиқ ҳақидаги болалар таасуротлари юзасидан қисқа суҳбат ўтказиш яъни умумлаштириш).

**Мусиқа саводи.** Мусиқа маданияти дарслари жараёнида мусиқа саводи муцақил дарс фаолияти сифатида амал қилинмай, балки бошқа фаолиятлар жараёнида мусиқа асослари бадиий ўрганиш ва ижро этиш ишларини саводхонлик асосида бажариш учун қўлланилади. Мусиқа саводи мазмуни ўқувчиларни табора шакллантиради ва уларни доирасини тобора кенгайтириб, чуқурлаштириб боради. Сҳундай қилиб мусиқа саводи дарсининг таълимий вазифасини бажаради. Мусиқа саводи (фаолиятининг негизи ва педагогик мақсади, янги мақсад дацур бўйича берилган чорак мавзулари ва уларни ёритишга мўлжаллаб танланган асарни куйлаш ва тинглашга доир асарлардир. Улар ўқувчиларни кундалик мусиқий ҳаётидан олаётган таасуротлари ва мусиқий тажрибалари асосида ўргатилиши лозим).

Мусиқа саводи қуйидаги этаплар бўйича ўргатилади.

Болалар диққатини мусиқа ифода воситалари – куй, регицр, темп, ритм, динамик белгилар ўргатиш;

Овоз созлаш ва қўшиқ ижро этиш қоидаларига доир билимлар чапак ва чолгъу асбоблар чалиш қоидаларига амал қилишга ўргатиш;

Мусиқа ижодкорлари “композитор, ижрочи, тингловчи” мавзунинг моҳияти ва ўрганиладиган асарларнинг муаллифлари ҳақидаги маълумотлар ҳам мусиқа саводи, билими доирасини кенгайтиради.

**Мусиқа тинглаш**. Мусиқа тинглаш, мусиқа маданияти дарсини асосий омили ҳисобланади, чунки мусиқани янграши идрок этиш ва унинг характерини мазмунини онгли равишда англаб, сўнг ижобий тарзда амалга оширилади. Ўқувчиларни ҳаётий тажрибаларга таянган ҳолда ҳар бир мусиқа асари замирида маълум ҳис – туйгъу ва фикрлар акс эттирилади. Бир мусиқа дарсининг қайси фаолиятини олмайлик, у аввал мусиқани тинглаб, мусиқани идрок этишдан бошланган. Схунинг учун мусиқа тинглаш дарсининг етакчи фаолияти ҳисобланади.

Дарсда тингланадиган ҳар бир мусиқий асар, бадиий – гъоявий мазмуни жиҳатидан чорак, дарс мазмунига богълиқ бўлади ва илмийлик, давомийлик, изчиллик тамойилларига амал қилади. Мусиқа тинглаш бир неча босқичлар орқали амалга оширилади.

Ўқувчилар эътиборлиги мусиқий асарга жалб қилиш ва ўқитувчининг кириш сўзи.

Ўқитувчи ижросида ёки магнет ёзувда асарни тинглаш.

Асарни суҳбат ёъли билан мусиқий ва бадиий, гъоявий жиҳатдан оддий таҳлил қилиш.

Асарни бир бутунлигича қайта тинглаш ва асар ҳақида ўқувчиларни умумий таасуротлари юзасидан якуний суҳбат ўтказиш.

*Мусиқа тинглаш бир неча методлар орқали амалга оширилади.*

*Кўргазмалилик методи*. Ўқитувчининг жонли ижроси, расмлар, техника воситалари орқали амалга оширилади.

*Амалий методи*. Ўқувчилар қизиқишини ошириб, уларни ҳаётий тажрибасига богълаб жалп қилиш.

*Таққослаш методи.* Бунда асарлар жанрлари ижрочилик хусусиятларини ифодалаш, бадиий дидни ўциришда муҳим вазифани бажаради.

Болалар чолгъу асбобларида жўр бўлиш, куй ёъналиши, ритм ҳис қилиш туйгъуларини ўцирaди. Мусиқа дарсини 5 та фаолияти турлари узвий богълаб борилади ва мантиқий бир бутунликка эришиш мақсадга мувофиқдир.

Огъзаки методлар. Ўқитувчи тингланадиган асарлар мазмунини болалар ҳаётига богълаб ёритади. Асар мазмунига қараб, асар муаллифлари ҳақида, кулиб чиқиш тарихи ҳақида қизиқарли, қисқа ҳикоя қилиб бериш.

**Болалар чолгъу асбобларида жўр бўлиш.** Болалар чолгъу асбобларида жўр бўлиш – бу фаолият тури эн қизиқарли машгъулотдир. Чунки болалар чилгъу асбоблари жонли, товушли ўйинчоқлар сифатида ҳар бир ўқувчини қизиқтиради. Болалар чолгъу асбоблари 1-навбатда ўқувчиларда ижрочилик элементлари орқали ижодкорлик, мусиқий ўқув қобилятларини ривожлантиради.

Мусиқа маданияти дарсларида болалар чолгъу асбобларидан фойдаланиш яхши натижалар бериш билан бирга дарсга интилувчанлиги қизиқишини, мусиқий ўқувини оширади. Мусиқа дарсида қўлланиладиган болалар чолгъу асбоблари 2 турга бўлинади. Куйчан ва куйчан бўлмаган (шовқинли) болалар чолгъ асбоблари.

Куйчан чолгъу асбобларга металафон ва кселафон киради.

Куйчан бўлмаган чолгъу асбобларига: доирачалар, оддий чўп қўшиқлар, кичик шақилдоқлар, барабанчалар, учбурчак, маракасса ва румбалар киради.

Бу асбобларда турли методлар орқали фойдаланилади.

Болалар аввал куйни тинглаб, чапак чалиб ритмик жўр бўладилар;

Мусиқага ритмик жўр бўлишни аниқ бажарганлар, болалар чолгъу асбобларида жўр бўладилар;

Кейинчалик эса пассив болалар ҳам тўғри чалишга интилишлари мақсадида улар ҳам жўр бўладилар;

Болалар чолғъу асбобларида чалиш ҳар гал ҳар хил чолғъу асбобда бажарилади;

Синфни 2 гуруҳга бўлиб, 1 – гуруҳ чапак ва чолгъуда, 2 – гуруҳ эса овозда усул бериб (бум – бак, бака – бака, бум) билан амалга ошириши мумкин;

Болалар чолгъу асбобларида ритмик жўр бўлишда график кўрсатилган ритмик тузилмаларга қараб, чалиш ҳам ўқувчилар ижодкорлигини оширади, фаоллаштиради.

**Мусиқага мос ҳаракатлар бажариш.** Бошлангъич синфларда ритмик ҳаракатларни бажариш, ўқувчиларни жисмоний ривожланиш учун муҳим аҳамият касп этади. Бошлангъич синф ўқувчилари, серҳаракат, ўйинқароқ, диққат – эътибори тургъун эмас, хотираси, нутқи тўлиқ ривожланмаган бўлганлиги сабабли, мусиқа дарсида фаолият тез – тез алмашиб туриши лозим. Мусиқага мос рақс, ўйин ҳаракатларини бажариш, ўқувчиларни диққатини жамлашда хотирасини муцаҳкамлашда ва жисмонан ўсишга ёрдам беради.

Дарс давомида қуйидаги ҳаракат турларидан фойдаланиш тавсия этилади: Марш мусиқаларига қадам ташлаш, югуриш, рақс элементларини бажариш, мусиқали ўйинлар ўтказиш, мусиқанинг ҳаракатларини турли қўл ва тана ҳаракатлари билан ифодалаш. Маълумки миллий мусиқамиз маданиятида рақс санъати муҳим ўрин тутади ва унга ҳар бир бола қизиқади. Рақс ҳаракатлари мусиқа дарсида ўқувчилар фаоллашувини оширади.

Энг муҳим шундак, рақс ва ритмик ҳаракатлар воситасида, болалар мусиқа иқтидори, ритм туйгъуси фаол ривожланади. Ҳар бир ҳаракат турини ўқитувчига олдиндан белгилайди ва ўзи уни аниқ, гўзал ва ифодали қилиб кўрсатиб бериш шарт. Ҳар бир ҳаракатни бажаришдан олдин ундан олдин унга доир мусиқанинг мазмунини аввал онгли равишда тинглаб ёки куйлаб сўнгра ҳаракатлар бажариш, яхши натижа беради.

Болалар мусиқали ўйинларга ҳам жуда қизиқадилар. Кўп мусиқий асарлар мазмунида ўйин методидан фойдаланиш мумкин. Дарс жараёни бажарилган ҳар бир мусиқий ҳаракат тури, мусиқали ўйинлар, ўқувчиларни хотирасини муцаҳкамлайди, нутқини ўциради, жисмоний согълом бўлишига кўмаклашади ва рухлантириб мусиқа дарсига қизиқишини оширади.

**Мусиқа идроки ва уни ривожлантириш.**

Умумий ўрта – таълим мактабларида мусиқий таълим – тарбиянинг муҳим вазифаларидан бири – ўқувчиларда мусиқани идрок этиш малакаларини ўцириш унга эмотсионал муносабатни шакллантиришга эришишдир. Бу жароён дарсдаги мусиқий фаолиятларнинг барча турлари асосида амалга оширилади. Масалан, қўшиқни ўрганиш учун уни аввало эшитиш, куйнинг соф оҳангига, мусиқий ривожига қулоқ солиш, мусиқага ритмик жўр бўлиш, рақс ҳаракатларини бажаришда унинг ўзгаришини ҳис этиб, асарга ўз муносабатини кўрсата олиш муҳимдир.

Сху билан бир қаторда мусиқа идроки дарсдаги фаолиятларнинг муцақил турларидан бирридир. Методик адабибиётларда мусиқа идроки – мусиқа тинглаш деб ҳам юритилади. Бунда ўқувчилар ўзлари ижро эта оладиганга нисбатан анча мураккаб асарлар билан танишадилар, лекин бундай асарларни тинглаш жараёнини фақатгина мусиқа билан танишувидан иборат бўлмаслиги лозим. Муҳими – ўқувчиларда мусиқа асарларини тўлақонли идрок этиш учун лозим бўлган билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш, уларнинг мусиқий, ижодий қобилятларини ривожлантиришҳамда мусиқий дид ва қизиқишларни ўцириш.

Мусиқий идрок – мураккаб психологик жараён бўлиб, унинг асосида реал борлиқнинг образлар орқали мусиқий товушларда акс этишини эшита олиш ва ундан таъсирланиш қобиляти ётади. Мусиқий асар оламига кириб бориш мусиқа кайфиятини ҳис этиш гъоясини тушуниб етиш, тингловчининг ўзига хос ижодий фаолияти туфайли рўй беради. Чунки у тингловчининг шахсий тажрибасини (мусиқий ҳаётий) ўз ичига олади.

Сҳунинг учун мусиқашунослар мусиқа тинглаш ақлнинг кучли фаолияти ва ўзига хос ижодидир деб таъкидлайдилар.

Мусиқа идрокига нисбатан кўпинча “тушуниш” ва “севиш” иборалари қўлланилади. Мусиқани тушуниш деганда – уни нафақат ҳиссий қабул қилиш, балки онг билан ҳам тушуниш яъни у нимани ва қандай ифодалаётганини ҳис этиш назарда тутилади.

Мусиқани севиш – мусиқа билан мулоқотда бўлишга эҳтиёж ҳис этишдир. Бу иборалар гоҳида бир деб ҳисобланади. Баъзида эса бир – бирига зид қўйилади. “Мен мусиқани севаман, аммо уни тушунмайман”. Сҳундай савол тугъилади: мусиқани севиш учун тушуниш шартми?

Мусиқани севиш, ундан таъсирланиш учун баъзан тушуниш шарт эмасдир. Аммо бунда тингловчи оммавий куй қўшиқлар доирасиданчи чиқа олмайди, чунки чолгъу, вокал сахна мусиқасининг юксак наъмуналарини яъни жиддий деб аталмиш мусиқани тинглаш, севиш, тушуниш учун бадиий савия яъни мусиқий билим ва малакалар талаб этилади. Мусиқий тайёргарлик асарнинг ёрқинроқ, тўлақонли ва чуқур идрок этишга ёрдам беради.

Ўқувчилардан, айниқса бошлангъич синф ўқувчиларида мусиқани идрок этиш малакаларини ривожлантириш мураккаб вазифа. Ўқувчи мусиқани бутунлигича умумий характер, кайфият сифатида идрок этади. Улар “гъамгин – қувноқ”, “чаққон – секин”, “баланд – пац”, марш, қўшиқ рақс каби контроц образларни енгил фарқлайдилар, аммо шу билан бир қаторда асарни доимо ҳам бошидан охиригача ҳаёлларини бузмасдан тинглай олмайдилар. Кўпинча асарнинг такрорангина тинглаб, давомини эштмайдилар. Сҳуннинг учун асарни бошидан охиригача тинглаш ва идрок этишга ўргатиш ўқитувчининг асосий вазифалардан биридир. “Мусиқада ҳар дақиқада ўзгариш содир бўлади. Товушлар қайтарилади, ўзгаради, товушлар турли кайфиятларга бирлашади”, деган фикрни болалар тушунишлари лозим. Бунда мусиқа ифода воситаларининг болалар томонидан ўзлаштирилиши катта ёрдам беради: асар қандай жаранглаяпти, бу кайфият қандай воситалар орқали берилган? – деган саволга жавоб

бериш учун ўқувчилар куйининг ҳаракатига, ҳарактерига, ритмик кўриниши темпи, динамикасига қулоқ солишлари лозим.

Бошлангъич синфларда ўқувчилар асосан халқ мусиқасининг оммавий жанрларда кирувчи “Дилхирож”, “Дўлонча”, “Чертмак”, “Ифор”, “Асп бўламан”, “Гулнорахон”, “+ўшқарча”, “+ўштор”, “Оромижон”, “+ора соч”, “Норим – норим”, “Лазги” каби кўплаб асарларни якканавоз, чолгъу дацалари ва оркецр ҳамда хор  жамоаси ижросидаги вариантларда тинглайдилар.

Бу асарларни тинглаш, идрок этиш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларга мусиқий асарни бошидан охиригача диққат билан тинглашини, унинг эмотсионал мазмунини ҳис этишни, асарларни оддий таҳлил этишни, ўтилган асарларни жаранглашидан таниб эслашни, асарнинг номи ва композиторларининг номларини билишини ўргатади. Тинглашдан олдин болалар диққатини жамлаш, фаоллаштириш учун ўқитувчи ўқувчилар олдига уларнинг мусиқий тайёргарлиги даражасидан келиб чиққан ҳолда турли вазифалар қўйиш мумкин. Масалан:

Ҳозир сиз унча катта бўлмаган мусиқий асар, мусиқиқй песа тинглайсиз. Сиз бу асарга нима деб ном берган бўлар эдингиз?

Сиз М.Мирзаевнинг “Баҳор валси” асарини тинглайсиз. Мусиқани эшитинг ва ўйлаб кўринг. Нима учун шундай номланди?

Мусиқий диққат билан эштинг ва айтинг – асарда бир кайфият акс этадими ёки бир неча кайфият берилганми?

Бундай савол – вазифа болаларда мусиқани тинглаш хохишини уйгъотади, мусиқий идрокни фаоллаштиради. Болалар асар мазмунини, мусиқий нутқ воситаларининг ифодавийлигини англашга ҳаракат қиладилар. Уларда мусиқа ҳақида фикр юритиш, унга эцетик баҳо бера олиш малакалари шакллана бошлайди. Ўқувчиларда мусиқа тинглаш, мусиқани идрок этиш малакаларинирившлантириш бир қанча қонуниятларга асосланади:

Ўқувчиларни мусиқани диққат билан тинглашга, мусиқа “оқимини” кузатишга ўргатиш лозим. Тинглаш фаол бўлиши учун уни ташкил этиш ва бошқариш талаб этилади.

Мусиқа тинглаш мақсадга ёъналтирилган бўлиши лозим.

Болаларда мусиқага нисбатан ҳиссий муносабатни шакллантириш. Бунинг учун дарсда қўлланиладиган аарлар бадиий жиҳатдан етук бўлиши, ёрқин образли, қизиқарли, мазмунан болаларга яқин, уларнинг эҳтиёжларига жавоб бериши лозим.

Берилаётган материал болалар ёшига мос бўлиши ва пухта ўзлаштирилиши керак. Пухта ўзлаштирилган асаргина болаларда мусиқий дунёқарашни кенгайтиради, уларда бадиий дидни шакллантиради, мусиқа идрокини ривожлантиради.

